# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 21 МАЙ, жума, № 35 (5.991). Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ*

## 1999–2000 ЙИЛЛАРДА ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Суғориладиган ерларда деҳқончиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» 1998 йил 18 мартдаги фармонини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 1999—2000 йилларда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқурилиш» давлат концерни, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари янги суғориладиган ерларни фойдаланишга топшириш ва ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш бўйича белгиланган топшириқларнинг қатъий бажарилишини таъминласинлар.

Маълумот учун қабул қилинсинки, Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил учун Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида» 1999 йил 13 январдаги 16-сон қарорига мувофиқ ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш учун 10,06 миллиард сўм капитал маблағлар ажратиш назарда тутилган.

Белгилансинки, янги суғориладиган ерларни фойдаланишга топшириш фақат мавжуд ёки сув хўжалиги тадбирлари натижасида бўшаб қолган сув ресурслари доирасида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳар йили инвестиция дастурларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига қувватлар ва объектларни ишга тушириш бўйича мазкур қарор билан белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун маблағлар ажратишни назарда тутсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Икки йил давомида ҳар хил экинларни томчи ва ёмғир усулида суғориш технологияларини экспериментал синовдан ўтказсин, республика шароитларида уларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигининг техник-иқтисодий асосларини тайёрласин ва уларнинг натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 1999 йил иккинчи чорагида хўжаликлараро суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тузатиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш тартиби ва уларни маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида низом ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 май.

## Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссиясининг республика фуқароларига МУРОЖААТИ

Ҳурматли ватандошлар!

Яқинда халқимиз муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан белгиланган Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлади. Бутун мамлакатимиз бўйлаб қонли жанггоҳларда ҳалок бўлганларнинг руҳи поклари ёдга олинди, халқимиз манфаати, Ватанимиз равнақи учун ҳалол меҳнат қилиб, кексалик гаштини суриб яшаётган онахону отахонларимизга иззат-икром, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бу байрам ўтганларни хотирлаш, тирикларни ҳамиша қадрлаш асрий анъаналаримиз эканлиги, бу анъана истиқлол шарофати билан бардавомлик касб этганлигининг яна бир намойиши бўлди. Юрт озодлиги, халқ эркинлиги йўлида жон тиккан, ғайрат-шижоат кўрсатган инсонлар қадр-қимматининг чин посбони истиқлолдир. Бу ҳақиқат халқимиз, айниқса ёшларимиз онгидан мустаҳкам ўрин олишида бу байрамнинг аҳамияти каттадир.

Эл-юрт озодлиги ва мустақиллиги, эркинлик ва адолат тантанаси учун курашган, бу машаққатли йўлда қурбон бўлган инсонлар хотирасини эъзозлашга барчамизни даъват этаётган юртбошимиз яқинда яна бир хайрли ва савобли ишга қўл урдилар. Президентимизнинг фармойиши билан мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи кишилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилди. Фармойишда комиссия ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозимлиги алоҳида уқтирилган.

Мана шу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, азиз юртдошлар, сизга мурожаат қиламиз:

**— оилангизда, маҳаллангизда, қишлоқ ёхуд шаҳрингизда яшаган, қатағон қурбони бўлган кишилар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар, улар билан боғлиқ буюмлар, яқин кишиларингиздан эшитган хотираларингиз бўлса,**

**— фуқаролар уруши, коллективлаштириш даври, шахсга сиғиниш йиллари ўз она юртидан қувғин қилинган, яқин ва узоқ хорижда яшашга маҳкум бўлган қариндош-уруғларингиз тўғрисида маълумотлар бўлса,**

**— «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган ноҳақ айбловлар жараёнида судланган ва қурбон бўлган яқинларингиз ҳақидаги материаллар бўлса,**

барча тафсилотлари, ҳужжат намуналари, исми шарифи ва манзиллари аниқ ва холис ёритилган ҳолда мактуб ва бошқа жўнатмалар шаклида ёхуд шахсий мурожаат йўли билан комиссия номига йўллашингизни илтимос қиламиз.

Халқ ва Ватан ҳуррияти йўлида азиз жонларини фидо қилган ҳар бир ватандошимизнинг исми шарифини тиклаш ва хотирасини абадийлаштиришдай масъулиятли ва савобли иш барчамизни сиёсий ва фуқаролик бурчимиздир.

**Жамоатчилик комиссияси аъзолари:**

Наим Каримов, Аҳмад Алиев, Дилором Алимова, Неъмат Аминов, Саид Аҳмад, Холида Аҳророва, Набижон Боқий, Хуршид Дўстмуҳамедов, Бойбўта Дўстқораев, Низомиддин Маҳмудов, Собир Мирвалиев, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Нодира Рашидова, Шуҳрат Ризаев, Ҳалим Саидов, Хайриддин Султонов, Шерали Турдиев, Бегали Қосимов, Иброҳим Ғафуров, Озод Шарафиддинов, Ислом Усмонов.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, «Маънавият ва маърифат» республика маркази.**

**Тел: 133-67-91, 139-05-30, 139-05-22.**

## ҲАМ МАДАД, ҲАМ ҒАМХЎРЛИК

***Куни-кеча матбуотда эълон қилинган ҳукумат қарорини хоразмликлар кўтаринки руҳда кутиб олдилар***

**Мамнуният**

Мамлакатимизда, шу жумладан, бизнинг вилоятимизда ҳам истиқлол туфайли жуда катта ижобий ўзгаришлар юз бераяпти. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, халқимизнинг турмуш даражасини яна ҳам яхшилаш учун республикамиз раҳбарияти доимо ғамхўрлик қилиб келаяпти. Ана шу эътиборнинг вилоятимизга янада кучайтирилганлиги нафақат хўжалигимиз аъзолари, балки барча хоразмликларни ҳам беҳад қувонтирди, десам муболаға бўлмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарори чексиз ғамхўрлик ифодасидир. Бу ҳужжатни жуда диққат қилиб хўжалигимиз аъзолари билан ўқиб чиқдик. Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли фаровонлигини ошириш дастури белгилаб берилганидан беҳад шодланганимни сўз билан ифодалай олмайман. Бу биз қишлоқ хўжалиги ходимларига кўрсатилаётган жуда катта мадад ва беқиёс ғамхўрлик.

Қарорда таъкидланганидек, «Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш», «Меҳнатга лаёқатли аҳолини, биринчи навбатда ёшларни ва таркибий қайта ўзгартиришлар натижасида бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш» жуда муҳимдир.

Хўжалигимиз экин майдонлари дарё билан туташиб кетган. Шўрли ерларимиз кўп. Шунинг учун биринчи навбатда ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашимиз зарур.

Ўтган йили ана шу майдонларнинг ҳар гектаридан 57 центнердан буғдой, 48 центнердан шоли етиштирган эдик. Агар қарорда кўрсатилган тадбирлар амалга оширилса, ҳосилдорликни гектар бошига 10-15 фоиз, ҳатто ундан ҳам кўпроқ кўпайтириш мумкин.

Қарор — вилоятимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг нурли ва истиқболли уфқларини очиб берган тарихий ҳужжатдир. Эртанги кунимизнинг самараси албатта баракали бўлишига ишончим комил.

**Машарип ҚУВОҚОВ,**
**Боғот туманидаги «Боғот» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## ШОЛИНИ ҚАЙСИ УСУЛДА ЭККАН МАЪҚУЛ?

***Кўчат ҳолидами? Хўш, шундай бўлса «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитаси омборларида нега замонавий техникалар эгаларини кутиб турибди?***

**Замон — изланганники**

Мутахассисларнинг фикрича, шоли дунё халқларига қадимдан маълум ва кенг тарқалган бошоқли дон экинларидан бири ҳисобланади. Гуруч инсон организмида тез ҳазм бўлиши, таркиби оқсил, фосфорли бирикмалар ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, шоли шўрланган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи қимматли ўсимлик сифатида ҳам маълумдир. Шолизорлар узоқ вақт сув остида бўлиши натижасида шўр ерларнинг тузи ювилиб, бошқа экинларни экиш имконияти вужудга келади. Узоқ вақт шоли етиштирилган ерларда ғўзадаги энг хавфли касаллик — вилт йўқолади.

Шу кунда шоли ер юзидаги 108 мамлакатда 148 миллион гектар ерга экилмоқда. Бундай майдонларнинг 91 фоизи Осиё давлатларига, тўрт фоизи Америкага, уч фоизи эса Африкага ва бошқа давлатларга тўғри келади. Кейинги йилларда ушбу экин ҳосилдорлиги ўсиб бормоқда. Бунга асосан уни кўчат ҳолида экиш орқали эришилаяпти. Дунёдаги деярли барча мамлакатларда шоли асосан кўчат қилиниб, кейин экилади.

Республикамиз Марказий Осиёда шоли етиштириладиган асосий мамлакатлардан биридир. Ҳар йили бизда 150 минг гектарга яқин ерда мазкур экин экилаяпти. Кейинги беш йил мобайнидаги ҳосилдорликни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, у 28,1 центнерни ташкил қилади. Давлатимиз иқлим ва тупроқ шароити қулай зонада жойлашган бўлса-да, шолининг биологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ҳосилдорликни ошириш учун янги серҳосил навлар яратиш, дунёдаги илғор технологияларни жорий этиш, ердан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат бўлмоғи лозим.

Мамлакатимиз аҳолисининг гуручга бўлган талабини қондириш учун ҳар гектар майдондан 45-50 центнердан ҳосил олиш зарур. Бунга дунёда кенг тарқалган шолини кўчат усулида экиш орқали эришиш мумкин.

Бизнинг иқлим шароитида шолини кўчат усулида такрорий экин сифатида ҳам экиб, гектаридан 40-60 центнер ва ундан ҳам кўп ҳосил олиш мумкин. Бундай усулда экин экиш борасида кейинги 2-3 йил ичида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, Жанубий Кореядан 136 та машина олиб келинди. Бундай замонавий ускуналарнинг кўпчилиги ҳозир республикамиз хўжаликларида самарали ишлатилмоқда.

Лекин республикамизнинг барча вилоятларида ҳам мазкур истиқболли экиш усулининг моҳиятини тўла тушуниб етишгани йўқ. Ҳозиргача жаҳон талабларига жавоб берадиган инсон тафаккурининг маҳсули бўлган бундай техникаларнинг 28 донаси Хоразм, қисман Тошкент ва Сирдарё вилоятларига юборилди, холос. Қолгани «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитасининг омборида турибди. Шу боис бу ишга мутасадди раҳбарларнинг эътибори зарур.

Мамлакатимизнинг иқлим шароитига кўра шолини кўчат усулида биринчи июлгача экса бўлади. Албатта буни ҳар бир вилоят ўз имкониятига қараб белгилаши лозим. Ғалладан бўшаган майдонларга 10 июндан бошлаб экиш тавсия қилинади.

Яқинда республика шоличилик илмий-тадқиқот институтида шолини кўчат усулида экиш бўйича амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари истиқболли экиш усулининг жараёнлари, бунда зарур бўладиган техника воситалари билан батафсил танишдилар. Семинарни Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б. Олимжонов олиб борди. Анжуманда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Ҳ.КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

Элнинг ризқу насибаси бутун бўлғай.



Аҳмадали ЮСУПБОЕВ олган сурат.

## «НАВБАҲОР»НИНГ ИККИ БАҲОРИ

***Санация хўжалик иқтисоди мустаҳкамланишига йўл очди***

**Таҳлил**

«Навбаҳор» жамоа хўжалиги тарихида муваффақиятли йиллар кўп бўлган. Яқин ўтмишда ҳам хўжалик Навбаҳордагина эмас, ҳатто вилоятда пешқадамлар қаторида номи тилга олинарди. Аммо кейинги беш-олти йил давомида хўжалик раҳбар ва етакчи мутахассисларнинг тез-тез алмашуви туфайли қолоқликка юз тутди. Натижада 1997 йилга келиб «Навбаҳор»нинг банклар ҳамда корхона ва ташкилотлардан қарзи 60 миллион 469 минг сўмга етди. Бозор муносабатлари шароитида бундай аҳволда иш юритиб бўлмасди. Хўжалик санацияга тушди.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида кўрсатаётган ғамхўрликларини, олиб бораётган оқилона сиёсатларини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Санация туфайли ўтган бир йилдаёқ ўнлаб хўжаликлар қолоқликдан қутулиб, иқтисодини мустаҳкамлаш йўлига ўтди. Деҳқон меҳнатига яраша даромад кўряпти. Бу ҳақда «Навбаҳор» ташқи бошқарувчиси Сайдулла Тўраев шундай ҳикоя қилади:

— Санация имтиёз эмас, икки йил мобайнида иқтисодиётни ўнглаб олиш учун давлатимиз томонидан берилган имкониятдир, — деди у. — Бундан оқилона фойдаланишимиз даркор. Ўтган йил январь ойида биз давлатга етказиб берадиган пахта, дон, пилла сингари маҳсулотлар учун олдиндан бўнак тариқасида бизга катта маблағ ажратилган эди.

(Давоми 2-бетда)

## ДЕҲҚОН СИЙРАТИ

***У КЕЧА ҚАНДАЙ ЭДИ? БУГУН...***

**Мавзу**

Суҳбатларимиздан бирида қизиқ савол ўртага ташланганди: «ҳар бир мамлакатнинг ўз қиёфаси бор. Ҳар бир миллат номи қандайдир қиёфани кўз олдингга келтиради. Ўзбек сўзи хаёлингизда қандай қиёфани чизган бўларди?»

— Деҳқон қиёфасини.

Ҳақиқатан «деҳқон» сўзини «ўзбек» сўзи билан баравар қўллаймиз. Ўзбек деяётганимизда кўз олдимизга деҳқон қиёфаси келади — содда, меҳнаткаш, мағрур. Деҳқоннинг яратувчанлиги, бағрикенглиги халқимизнинг умумий хусусиятига, тимсолига айланган.

Бас, шундай экан, биз бугунги деҳқон ҳақида нималарни биламиз, унинг орзу-ўйларини, ташвишларини қандай тасаввур этамиз? Афсуски, кўпгина шоирларимиз бугун ҳам деҳқон ҳақида совет замонида шаблонга айланган таъриф-тавсифдан нарига ўтолгани йўқ. Журналистлар эса ҳамон сийқа сифатлашлар ишлатишади.

«Заминдек вазмин, содда, танти, меҳнаткаш деҳқон меҳрининг бир бўлаги бўлмиш даласида жавлон урмоқда. Ана, у меҳр тўла кўзларини ғўзасига қаратди, худди фарзандига қарагандек. Ер сочини силагандек оҳиста силаб қўйди ғўза ёноқларини..»

«Узоқ-узоқлардан қизларнинг шўх кулгиси эшитилади. Бу меҳнат завқидан шавқи келган Деҳқонбобо қизларининг овози... Қизларининг ўктам кулгуларини эшитган Деҳқонбобо бахтиёр жилмайиб қўяди, фарзандларидан-да азиз, дуркун ғўзаларига қараб эса ўн, юз севинади...»

Ўз таъриф-тавсифларимизда биз уни гўёки бир маъбудга ...ҳайкалга айлантирганмиз. Ҳол-

(Давоми 2-бетда)

## БЎРИНИНГ ОҒЗИ ЕСА ҚОН, ЕМАСА-ЧИ...

***Жиззах вилояти хўжаликларида ўтган йили 739 бош йирик шохли моллар, 32 минг 281 бош қўй-эчкилар, 280 бош отлар ҳаром ўлган. 3 минг 335 бош йирик шохли моллар, 39 минг 649 бош қўй-эчкилар, 535 бош отлар мажбурий сўйилган. Йилдан-йилга чорва бош сони камайиб кетмоқда. Умуман вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимидаги хўжаликларда чорвачилик ўтган йили 70 миллион сўмдан кўпроқ зарар билан якунланди. Бундай нохуш аҳвол қачонгача давом этади?***

**Лоқайдликми, жиноятми?**

Айниқса мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан чорвани талон-торож қилиш давом этаётгани ташвишли. Совуққонлик ва юклатилган вазифага лоқайд муносабатда бўлиш натижасида чорва моллари ҳаром ўлмоқда. Бошқа суиистеъмолчиликларга барҳам берилмаган. Ўтган йили турли қонунбузарликлар юзасидан эллик саккизта жиноят иши қўзғатилганлиги тармоқда нопокликлар чуқур илдиз отганидан далолатдир.

Бундай ҳоллар айниқса, Фориш, Ғаллаорол, Зомин ва Бахмал туманларидаги чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда тез-тез содир бўлмоқда. Чорвачиликка масъул раҳбарларнинг эса парвойи палак. Чорвачилик зарар келтирар экан, бош сон камайса камаяверсин, зарар миқдори ҳам камроқ бўлади қабилидаги фикрдан ҳали-вери қайтадиганга ўхшамайди.

Хўжаликларда шу йилнинг биринчи чорагида 94 бош йирик шохли моллар ва 2719 бош қўй-эчкилар ҳаром ўлганига нима дейсиз. Бахмал туманида 39 бош, Форишда 23 бош, Пахтакорда 16 бош йирик

(Давоми 3-бетда)

## БУГУНГИ СОНДА:


**1-2-саҳифалар**

**Санация қандай самара берди?**

**Биз деҳқон сиймосини қандай тасаввур этамиз?**

**1-3-саҳифалар**

**Қўйларни ким еб қўйди?**

**4-саҳифада**

**Янги рукн: Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат.**


**КЕЛГУСИ СОНДА ЎҚИЙСИЗ:**

**Янги рукн тақдимоти: «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни».**

**«Эҳтиёт бўлинг: мухбир ниқобидаги товламачи».**

**«Андижонликлар «Қишлоқ ҳаёти»ни ўқишадими?»**

